Emro Science and Education
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz
OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 4 (2024) · “Milliy iqtisodiyotni barqaror rivojlantirish va yuqori iqtisodiy o‘sish sur’atlarini ta’minlashning ustuvor yo‘nalishla...

ta´minlashning ustuvor yo´nalishlari´ mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

1. The Grameen Bank Model (Bangladesh): Founded by Nobel laureate Muhammad Yunus, Grameen Bank pioneered the microfinance model, which enabled poor families, particularly women, to start small businesses. By providing microloans, the bank empowered families to set up businesses that improved their economic conditions and helped break the cycle of poverty.

2. Family-Owned Farming Cooperatives (Latin America): In many parts of Latin America, family-owned cooperatives have played a significant role in improving food security and generating income for impoverished rural households. By working together, family members have been able to pool resources, reduce costs, and access better market prices for their agricultural products.

3. Handicraft Cooperatives (India): In India, many families living in poverty have established successful handicraft businesses. By combining traditional craftsmanship with modern marketing techniques, these families have been able to create high-quality products that attract both domestic and international customers. The family-oriented nature of these businesses ensures that profits are reinvested into the community, further boosting local economies.

Conclusion

The establishment of family businesses presents a powerful tool for poverty alleviation. By creating jobs, generating income, and promoting financial independence, family businesses have the potential to uplift entire communities from poverty. However, for family businesses to succeed, addressing challenges such as access to capital, education, and market access is crucial. By implementing strategies such as microfinance, education programs, and government support, the path to poverty alleviation through family businesses can be made more accessible and sustainable. Ultimately, with the right support and resources, family businesses can play a transformative role in lifting families and communities out of poverty, fostering long-term economic empowerment.

References

1.Aghion, P., Angeletos, G. M., Banerjee, A., & Manova, K. (2007). Volatility and Growth. Oxford Review of Economic Policy, 23(3), 277-293.

2.International Labour Organization (ILO). (2020). Small and Medium-Sized Enterprises (SMEs) and the Future of Work. ILO.

3.Keh, H. T., Nguyen, T. T. M., & Ng, H. P. (2007). The Effects of Entrepreneurial Orientation and Market Orientation on Business Success: A Multi-Country Study. Journal of Business Venturing, 22(5), 624-646.

4.Miller, D., & Le Breton-Miller, I. (2005). Managing for the Long Run: Lessons in Competitive Advantage from Great Family Businesses. Harvard Business Press.

5.OECD. (2019). Enhancing the Role of SMEs in Global Value Chains. OECD Publishing.

6.Sharma, P. (2004). An Overview of the Family Business Studies: Current Status and Future Challenges. Family Business Review, 17(1), 1-36.

7.World Bank. (2012). Gender and Development: An Evaluation of World Bank Support. World Bank.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУЛИКАСИ, ИТАЛИЯ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИДА БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИ ШАКЛЛАНИШИДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИНГ ЎРНИ.

Узазматов Жонибек Мусурманович
Гулистон давлат университети доцент в.б (PhD)

Published: 23.12.2024

Cite this article: Узазматов Жонибек Мусурманович (2024). Ўзбекистон Республикаси, Италия ва Россия Федерациясида бюджет даромадлари шаклланишида қўшилган қиймат солиғининг ўрни. Emro Science and Education, 1(4). https://journal.emro.uz/public/maqola/965

© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

Аннотация. Жаҳонда кейинги йилларда қўшилган қиймат солиғини ундириш механизмини такомиллаштириш масалаларга қаратилган илмий изланишларга алоҳида эътибор берилмоқда. Инвестиция сиёсатини такомиллаштириш, барқарор ривожланишга эришишда пул-кредит ва бюджет-солиқ сиёсатининг ўзаро уйғунлигини таъминлаш, иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг муҳим ташкил этувчиси бўлган солиқ маъмурчилигини бугунги кун талабларига мослаштириш, иқтисодий фаолият субъектларини рағбатлантириш орқали орқали хуфёна иқтисодиёт кўламларини қисқартириш, солиқ сиёсатини такомиллаштириш, уларнинг бюджет даромадларини шалланишидаги ўрнини кучайтириш, «узлуксиз қўшилган қиймат занжири»ни вужудга келтириш, даромад ва харажатларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш каби масалалар ушбу мақоланинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Калит сўзлар. Бюджет даромадлари, солиқ сиёсатининг иқтисодий самарадорлиги, ҚҚСдан тушумларнинг Ўзбекистон Республикаси, Италия ва Россия Федерациясида бюджет даромадлари, ҚҚСдан тушумлар давлат бюджети даромадлари шаклланиши.

Ўзбекистонда солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш, иқтисодий ўсишни таъминлашда солиқларнинг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги ўрнини ошириш, қўшилган қиймат солиғи иштирокчиларининг солиқ жараёнларида тўлиқ иштирокини таъминлаш орқали узулксиз қўшилган қиймат занжирини вужудга келтириш, хуфёна иқтисодиёт кўламларини қисқартириш, фуқароларда солиқ маданиятини шакллантириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг захира ва имкониятларини аниқлаш ва ишга солиш борасида тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Узлуксиз қўшилган қиймат занжирини яратиш орқали иқтисодиётда яширин иқтисодиётнинг улушини қисқартириш, бюджетнинг солиқли даромадлари базасини кенгайтириш масалалари қўшилган қиймат солиифини ундиришда илғор хорижий тажрибаларни оммалаштириш, солиқ йиғилувчанлигини ошириш, рақамли технологияларни кенг жорий қилиш орқали қўшилган қиймат солиғини ундириш механизмини такомиллаштиришни тақозо этади.

Мазкур мақоламиз учун солиқларнинг, шу жумладан, акциз солиғининг ҳам фискал самарадорлиги устувор бўлса-да, уни солиқ сиёсатининг иқтисодий самарадорлигига боғлиқ тарзда кўриб чиқиш лозим.

1-жадвал

2017-2021 йилларда ҚҚСдан тушумларнинг Ўзбекистон Республикаси, Италия ва Россия Федерациясида бюджет даромадлари шаклланишидаги иштирокининг статистик таҳлили29

Йиллар	Ўзбекистон Республикаси		Италия		Россия Федерацияси	
	Билвосита солиқлар	ҚҚС	Билвосита солиқлар	ҚҚС	Билвосита солиқлар	ҚҚС

[29] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.12.2015 йилдаги ПҚ-2455, 27.12.2016 йилдаги ПҚ-2699, 29.12.2017 йилдаги ПҚ-3454, 26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сонли Қарорлари, 9.12.2019 йилдаги №589-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 25.12.2020 йилдаги №657-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида ҳамда Росстат, United States Government Revenue тузилди.

.

2017	54,6	35,5	29,13	21,09	39,14	35,01
2018	53,7	33,4	29,63	21,14	31,94	28,17
2019	45,8	30,1	29,83	21,09	30,28	26,31
2020	38,5	23,5	29,02	20,83	30,08	25,11
2021	34,2	23,3	28,89	19,96	30,32	25,26
2022	69,8	53,3	28,7	19,3	31,2	25,1
2023	84,5	63,7	28,6	18,7	30,7	25,1
2017-2023 йиллардаги ўртача	54,4	37,5	29,1	20,3	31,9	27,1

Бюджет самарадорлиги маълум бир солиқнинг бюджетга тушумларни таъминлаш қобилиятини тавсифлайди. Шуни таъкидлаймизки, бу ва фискал самарадорлик турларининг кейинги номлари шартли ва тегишли усулнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради.

Бюджет самарадорлигини жорий вазиятни баҳолаш учун статистик кўрсаткичлар (масалан, бюджетга солиқ тушумлари ҳажми, режалаштирилган ва ҳақиқий даромадларнинг нисбати, солиқ потенциалидан фойдаланиш даражаси, ЯИМдаги улуш ва бошқалар) ва маълум бир солиқнинг самарадорлигини кўрсатадиган, бошқа иқтисодий параметрларга нисбатан (масалан: эластиклик кўрсаткичлари ёрдамида) динамик кўрсаткичлар орқали аниқлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида акциз солиғидан тушумларнинг статистик бюджет самарадорлигини баҳолаш учун биз 2017-2023 йиллардаги бюджет даромадидаги улушидаги ўзгаришларни таҳлил қиламиз. Таққослаш учун биз ҚҚСдан тушумларнинг Ўзбекистон Республикаси, Италия ва Россия Федерациясида бюджет даромадларидаги фискал ўрнини баҳолаймиз (1-жадвал).

1-жадвал маълумотларининг таҳлили қуйидаги мулоҳазаларни билдиришга асос бўлади.

Биринчидан, қиёсланаётган ҳар бир давлатда билвосита солиқлардан тушумлар, шу жумладан ҚҚСдан тушумлар давлат бюджети даромадлари шаклланишида бевосита иштирок этади ва давлатнинг билвосита солиқлар ёхуд ҚҚСга оид ҳар қандай янги қарорлари ушбу солиқларнинг фискал аҳамиятига бевосита таъсир кўрсатади;

Иккинчидан, қиёсланаётган давлатлардан Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети даромадлари шаклланишида билвосита солиқлар улуши 2017 йилда Россия Федерациясидагига нисбатан 1,39 марта (54,6:39,14), Францияда гига нисбатан эса 1,87 марта (54,6:29,13) юқори даражани, 2021 йилда эса тегишли тарзда 1,12 марта (34,2:30,32) ва 1,18 марта (34,2:28,89)ни ташкил этган. Мамлакатимизнинг давлат бюджети даромадлари шаклланишидаги ушбу билвосита солиқлардан тушумларга таянишнинг устуворлиги акциз солиғидан тушумларда яна ҳам кўламлироқ тарзда намоён бўлади: Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети даромадлари шаклланишида ҚҚСдан тушумнинг

улуши 2017 йилда Россия Федерациясидагига нисбатан 1,013 марта (35,5:35,01), Италиядагига нисбатан эса 1,68 марта (35,4:21,09) юқори даражани, 2021 йилда эса тегишли тарзда 0,92 марта (23,3:25,26) ва 1,17 марта (23,3:19,96)ни ташкил этган. Ушбу далил билвосита солиққа тортиш устуворлиги ривожланаётган мамлакатлар ва ўтиш даври иқтисодиётига эга мамлакатларга хос эканлигини тасдиқлайди, ривожланган мамлакатларда унинг роли бошқа ижтимоий ва иқтисодий институтларнинг таъсири туфайли бу қадар аҳамиятли эмас;

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси учун 2017-2023 йиллар учун хусусиятли бўлган қонуният – билвосита солиқлардан тушумларнинг бюджет даромадлари шаклланишидаги улушинингг пасайиш тенденциясига эга эканлигидир: ушбу даврда мазкур кўрсаткич Ўзбекистон Республикасида 20,4 фоизга (54,6-34,2), Россия Федерациясида эса 8,82 фоизга (39,14-30,32) пасайган.

Шундай қилиб, таҳлил шуни кўрсатдики, бюджет натижаларининг статик кўрсаткичлари нуқтаи-назаридан ҚҚС Ўзбекистон Республикасида билвосита солиқлар таркибида юқори салмоққа эга, унинг улуши билвосита солиқлар таркибида 88,0 фоизни ташкил этмоқда.

Бюджетнинг динамик самарадорлигини баҳолаш учун солиқ тушумларининг ялпи ички маҳсулотдаги ўзгаришларга нисбати орқали аниқланувчи солиққа тортишнинг эгилувчанлиги кўрсаткичини кўриб чиқамиз:

$$E_i = \frac{\Delta ST / ST}{\Delta YaIM / YaIM} \quad (1)$$

бу ерда: Ei - ЯИМ бўйича кўриб чиқилаётган солиқнинг эгилувчанлиги; ΔST - маълум бир давр учун солиқ тушумларининг ўсиши (жорий нархларда); ΔYaIM - аналогик даври учун ЯИМнинг ўсиши (жорий нархларда).

(1) кўрсаткич ЯИМнинг 1% га ўсиши маълум бир солиқ йиғилишига қандай таъсир қилишини баҳолашга имкон беради.

Агар у = 1 бўлса, унда биз ЯИМ ва солиқ тушумларининг ўсишини синхронлаштириш ва ЯИМда солиқларнинг улушини сақлаб қолиш ҳақида гапирамиз. Эі < 1 билан ЯИМнинг бир фоиз ўсиши солиқ тушумларининг секин ўсишига олиб келади, бундай ҳолда, биз у ёки бу солиқ турини ўрнатишнинг барқарорлиги ва у ёки бу солиқнинг самарадорлиги ҳақида гапиришимиз мумкин. Эі > 1 билан эса биз,аксинча, солиқнинг жадал ўсиши ҳақида гапирамиз. Сўнгги икки ҳолат солиқ тизимининг самарасиз ўрнатилишини ва бузилиш таъсирини камайтириш зарурлигини кўрсатади.

2-жадвал

2017-2023 йилларда Ўзбекистон Республикаси, Италия ва Россия Федерациясида бюджет даромадлари шаклланишида ҚҚС бўйича солиққа тортишнинг эгилувчанлиги таҳлили30

Мамлакатлар	Билвосита солиқлар	ҚҚС
Ўзбекистон	0,975	0,937

[30] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.12.2015 йилдаги ПҚ-2455, 27.12.2016 йилдаги ПҚ-2699, 29.12.2017 йилдаги ПҚ-3454, 26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сонли Қарорлари, 9.12.2019 йилдаги №589-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 25.12.2020 йилдаги №657-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида ҳамда Росстат, United States Government Revenue маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

Республикаси		
Италия	0,925	0,910
Россия Федерацияси	0,740	0,211

2-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасида бюджет даромадлари шаклланишида ҚҚС бўйича солиққа тортишнинг эгилувчанлиги орқали ифодаланувчи динамик самарадорлик қиёсланаётган ҳар икки давлатдагидан юқори натижани кўрсатмоқда, Россия Федерацияси солиқ тизими ҚҚСни ундиришнинг динамик самарадорлиги нуқтаи-назаридан Франция солиқ тизимидагига қараганда анча ривожланган, бу Россия Федерацияси бюджетида Италиядагига нисбатан билвосита солиқларнинг катта аҳамияти билан боғлиқ.

Умуман, солиқ тизимлари тараққиётининг жаҳон тажрибаларини умумлаштириш ҚҚС маъмурчилигининг солиқ тизими модернизацияси тенденцияларига мувофиқ ташкил этилиши лозимлигини тасдиқлайди.

Солиқ тизимининг тарихий эволюцияси асосан маъмурий ёки либерал хусусиятларга эга бўган ҚҚСни ундиришнинг иккита асосий концепциясини шакллантиришга олиб келди.

ҚҚСни ундириш тизимини ривожлантириш моделларини таҳлил қилиш натижаларининг назарий умумлаштирилиши унинг асосий иштирокчилари-ни, омилларини, унсурлар базасини, ҚҚСни йиғиш усуллари ва механизм-ларини аниқлашга имкон беради ва шу асосда ҚҚС маъмурчилигини узоқ муддатли ривожлантиришнинг умумий моделини шакллантиришнинг тузилиши ва мақсадли кўрсатмаларини асослайди.

ҚҚС тизимининг унсурларини тузиш жараёнида улар бешта стратегик функционал блокларга бирлаштирилди: солиқ солиш субъектлари ва объектлари, ҚҚСнинг солиқ ставкалари, ҚҚСни ҳисоблаш ва йиғишнинг ҳуқуқий тартиби, ҚҚСнинг бюджет бўғинлариаро тақсимоти ва уларни назорат қилишнинг солиқ режимлари. Ушбу таркибий жараёнларнинг услубий асосланиши ва амалий қўлланилиши ҚҚСни солиққа тортишни янада ислоҳ қилиш учун ҚҚС сиёсати, стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Шу билан бирга, ҚҚСни тўлдириш ва давлат бюджети даромадлари ҳажмининг ўсишини, шунингдек, илмий мунозаралар мавзуси бўлган турли ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида акциз муносабатларини юқори даражада сақлашни ҳисобга олган ҳолда уларни амалга оширишнинг мақсадли йўналишлари шакллантирилди.

Кўриниб турибдики, вазиятга қараб ва ҚҚСни давлат томонидан тартибга солишнинг стратегик йўналишига қараб ҚҚС даромадларини шакллантиришнинг иқтисодий самарадорликни таъминлашга интилаётган рағбатлантирувчи важтимоий йўналишни оптималлаштиришга хос ижтимоий йўналишини фарқлаш керак.

Шундан келиб чиққан ҳолда, биз ҚҚС маъмурчилигини янада такомиллаштириш, биринчи навбатда, ҚҚСнинг солиқ солиш субъектлари, ҚҚС олинадиган товарлар (иш ва хизматлар) ва давлат истеъмолчилари манфаатларининг умумийлигини ҳисобга олган ҳолда солиқ юкининг чегара қиймати ва бюджет даромадларининг ҚҚС сиғими даражасига қараб шакллантиришни назарда тутувчи бутун унсур базасини тизимли ислох килиш ҳисобига амалга оширилиши мумкинлигига ишонамиз.

Шундай қилиб, таъкидлаш лозимки, солиқ базасининг ҳажми кўп жиҳатдан ҚҚСнинг ҳажмига боғлиқ бўлиб, давлат функцияларини амалга оширишни таъминлашга қаратилган - давлат ва ҚҚС тўловчи корхоналарнинг ишбилармонлик фаоллигини оширишдан келиб чиқади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.12.2015 йилдаги ПҚ-2455-сонли қонуни.
Росстат вaUnited States Government Revenue маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.
https://inscience.uz/index.php/socinov/article/downlo%E2%80%A6
https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1061951804000151/
International Monetary Fund. VAT/GST, Paris: OECD, № Paris: OECD, https://www.imf.org/external/np/fad/tpaf/pages/vat.htm. 2021.
https://www.imf.org/external/np/fad/tpaf/pages/vat.htm. 2021.

DAVLAT BUJETI DAROMADLARINI SHAKLLANTIRISHDA DAVLAT QIMMATLI QOG‘OZLARIDAN FOYDALANISHNING SAMARADORLIGI

Abduhakimov Farruh
(Guliston Davlat Universiteti talabasi)
Farrukhabduxakimov1@gmail.com

To‘xtayeva Moxinur To‘raboy qizi
(Guliston Davlat Universiteti talabasi)
Mohinurtoxtayeva843@gmail.com

Annotatsiya: Ushbu maqolada davlat bujeti daromadlarini shakllantirishda davlat qimmatli qog‘ozlaridan foydalanishning samaradorligi tahlil qilinadi. Davlat qimmatli qog‘ozlari, jumladan, obligatsiyalar va boshqa moliyaviy instrumentlar, davlatning moliyaviy resurslarini jalb qilish va iqtisodiy barqarorlikni ta'minlashda muhim rol o‘ynaydi. Shuningdek, davlat qimmatli qog‘ozlaridan foydalanishning zamonaviy tendensiyalari va ularning xalqaro tajribasi ham tahlil etiladi. Maqola, shuningdek, davlat qimmatli qog‘ozlari bozorining rivojlanishi va uning davlat bujeti uchun ahamiyatini yanada chuqurroq tushunishga yordam beradi

Kalit so‘zlar: davlat bujeti, obligatsiyalar, davlat acactivelari, moliyaviy mexanizm, investorlar, bozor qoun qoidalari, DQQ tushunchasi, bozor likvidligi.

KIRISH

Davlat byudjeti iqtisodiyotning muhim qismi bo‘lib, uning asosiy manbalari soliqlar, bojxonna to‘lovlari, davlat aktivlarini boshqarishdan tushadigan daromadlar va boshqa manbalardan iboratdir. Ammo davlatning iqtisodiy faoliyati va ijtimoiy loyihalarni moliyalashtirishda byudjet daromadlarini oshirish uchun davlat qimmatli qog‘ozlaridan foydalanish samarali vositalardan biri sifatida ko‘riladi. Qimmatli qog‘ozlar orqali moliyalashtirish mexanizmi davlatga qo‘shimcha mablag‘lar jalb qilish, infratuzilmaviy loyihalarni amalga oshirish, bozor likvidligini ta’minlash kabi qator afzalliklarni taqdim etadi. Ushbu maqolada davlat qimmatli qog‘ozlaridan foydalanishning davlat byudjeti daromadlarini shakllantirishdagi o‘rni va samaradorligi o‘rganiladi.

Tahlil va natijalar

Davlat byudjeti – bu davlatning yil davomida oladigan daromadlari va amalga oshiradigan xarajatlari majmuasi bo‘lib, iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanishni moliyalashtirishning muhim manbai hisoblanadi. Byudjet daromadlari asosan soliqlardan, bojxona to‘lovlaridan va davlat mulkidan tushgan mablag‘lardan iborat. Biroq, davlat byudjeti yetarli darajada mablag‘ bilan ta’minlanmagan holatlarda, davlat qo‘shimcha